

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ СУХРОБ ШУХРАТОВИЧ**

**МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**  
**(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**08.00.12- Минтақавий иқтисодиёт**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Махмудов Сухроб Шухратович**

Минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш  
(Қашқадарё вилояти мисолида) ..... 3

**Махмудов Сухроб Шухратович**

Повышение эффективности структурных изменений в экономике  
региона (на примере Кашкадарьинской области) ..... 27

**Makhmudov Sukhrob Shukhratovich**

Increasing the efficiency of structural changes in the region's economy (on the  
example of Kashkadarya region) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ СУХРОБ ШУХРАТОВИЧ**

**МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**  
**(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**08.00.12- Минтақавий иқтисодиёт**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Иктисодиёт фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt1029 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Очилов Акрам Одилович,**  
иктисодиёт фаилари доктори, доцент.

**Расмий оппонентлар:**

**Рузметов Бахтияр,**  
иктисодиёт фаилари доктори, профессор  
**Рўзиев Ойбек Абдимўминович**  
иктисодиёт фаилари номзоди, доцент.

**Етакчи ташкилот:**


**Қорақалпоқ давлат университети**


Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.1.55.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил "20" сентябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (998 62) 224-67-00;Факс: (998 62) 224-57-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)


Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (22.10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (998 62) 224-67-00;Факс: (998 62) 224-57-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "30" декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил "30" декабрь даги № 23 рақамли реестр баённомаси).



  
**Н.С.Абдуллаев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор.

  
**Ш.Б.Рузметов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.и. доцент.

  
**Б. Рузметов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда коронавирус пандемияси сабабли юзага келган вазият ишлаб чиқариш қувватларининг кескин пасайишига сабаб бўлди. Бу даврда жорий қилинган чекловлар иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичларига жиддий таъсир кўрсатди. 2020 йилда жаҳон реал ялпи ички маҳсулоти 2019 йилги кўрсаткичга нисбатан 3,3 фоизга камайди ва кўплаб ривожланаётган иқтисодиётларда аҳоли жон бошига ЯИМ узоқ вақт давомида COVID-19 дан олдинги марралар остида қолиши кутилмоқда<sup>1</sup>. Натижада жаҳоннинг барча мамлакатларида минтақавий жиҳатдан мақсадли ва тармоқларга хос лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар кучайтирилди. Шу тўғрисида таркибий ўзгаришлар орқали иқтисодиёт тармоқлари самарадорлик кўрсаткичларини оширишнинг долзарблиги янада ортиб бормоқда.

Жаҳон бўйлаб юзага келган танг вазият мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам ўз аксини топди. 2020 йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 2019 йилга нисбатан 99,8 фоизни ташкил этди. Шу билан бир қаторда, 2020 йилда республика иқтисодиётининг самарадорлик юқори бўлган саноат ҳамда ташиш ва сақлаш тармоқларида ҳам 2019 йилга нисбатан пасайиш қайд этилди. Хусусан, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти 1,3 фоиз пункти, транспорт турлари бўйича юк айланмаси 7,8 фоиз пунктига камайди. Пандемия таъсирида мамлакатда ишсизлик даражаси кўрсаткичи 2019 йилга нисбатан 1,5 фоиз пунктига ортиб 10,5 фоизни ташкил этди. Ушбу юзага келган муаммолар иқтисодиёт тармоқларида самарадорликни ошириш ва таркибий ислохотларнинг бугунги кундаги заруратини белгилайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда ишлаб чиқариш жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш ва меҳнатни ташкил этиш, иқтисодиётнинг янги, илм-фанга асосланган тармоқларини ривожлантириш орқали иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “сўнгги тўрт йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат”<sup>2</sup>. Шундай экан, таркибий ўзгаришлар натижасида минтақалар иқтисодиёт тармоқларида самарадорлик кўрсаткичларининг ортиши иқтисодий тараққиёт ва фаровонликни яхшилашга хизмат қилади. Сўнгги йилларда Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати бўйича республика ҳудудлари орасида қуйи ўринларга тушиб кетди. Хусусан, 2020 йилда вилоят ЯХМ ҳажми бўйича 7-ўрин, саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича 8-ўрин, истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 9-ўрин ҳамда ташқи савдо

<sup>1</sup> Манба: [https://www.imf.org/external/datamapper/NGDP\\_RPCH@WEO/OEMDC/ADVEC/WEOWORLD](https://www.imf.org/external/datamapper/NGDP_RPCH@WEO/OEMDC/ADVEC/WEOWORLD)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил. Манба: <https://president.uz/oz/lists/view/4057>

айланмаси ҳажми бўйича 11-ўрндан жой олган. Вилоятда аҳоли жон бошига кўрсаткичлар республика бўйича ўртачадан ЯИМ (ЯХМ) 1,6 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,4 баробар ҳамда хизматлар ҳажми 2,1 баробарга кам бўлган. Бу ҳолат Қашқадарё вилоятида иқтисодиёт таркибининг ривожланиш даражаси пастлигини кўрсатиб, вилоятда таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш ҳамда унинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишнинг долзарблигини асослайди.

Мазкур диссертация тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 01.05.2020 йилдаги ПҚ-4702-сон “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги, 11.05.2021 йилдаги ПҚ-5113-сон “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.08.2020 йилдаги 526-сон “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 02.08.2021 йилдаги 479-сон “2021-2022-йилларда Қашқадарё вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва инфратузилмани янада яхшилашга доир тезкор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда минтақаларда таркибий ўзгаришлар самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Минтақаларда таркибий ўзгаришларнинг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижий олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан, Ж.Гелбрейт, Д.Белл ва Э.Тоффлерларнинг асарларида постиндустриал жамият куриш ҳамда А.Люис, Г.Ранис ва Ж.Фейларнинг тадқиқотларида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали тараққиётга эришиш назариялари ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда, Л.Ронколато, Д.Кучера, М.Макмиллан, Д.Родрик, К.Сепульведа, З.Гошин, М.Дуарте, Д.Рестучча каби олимлар инновацион иқтисодиёт шароитида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ қилишган<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Galbraith J.K., Michael K. Economist with a public purpose: essays in honour of John Kenneth Galbraith. – London: Routledge, 2014. – 288 p.; Bell D. The coming of post-industrial society: A venture in social forecasting. – New York: Basic Books, 1976. – 618 p.; Тоффлер Э. Третья волна. – М.: ООО “Фирма “Изд-во АСТ”, 1999. – 784 с.; Lewis W.A. Economic development with unlimited supplies of labor //Journal of the Manchester school of economics and social studies. – 1954. № 22(2), P. 139–191; Fei J.C.H., Ranis G. A theory of economic development. // The American Economic Review. – 1961. № 51(4), P. 533-565.; Roncolato L., Kucera D. Structural drivers of productivity and

МДХ мамлакатлари олимларидан В.А.Бессонов, Н.В.Трофимова, А.Р.Таймасов, А.В.Мошков, Н.В.Дювина<sup>4</sup> каби иқтисодчи олимларнинг ишлари иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг минтақавий ва тармоқларга хос жиҳатларини ўрганишга бағишланган.

Иқтисодий трансформация жараёнида таркибий ислохотлар масаласи ўзбекистонлик олимлардан Р.А.Алимов, Т.М.Ахмедов, Ф.Т.Эгамбердиев, О.О.Олимжонов, Б.Ўзметов, А.С.Солиев; М.М.Мирзакаримова, А.А.Низамов<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ҳам кенг ёритиб берилган.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-услубий манба ҳисобланиб, минтақаларни комплекс ривожлантириш, уларнинг иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш бўйича назарий ва методологик натижалар олинган бўлса-да, ҳудудлар кесимида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш бўйича чекланган доирада илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида минтақада таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини баҳолаш, минтақаларни ривожлантиришда таркибий ўзгаришлар йўналишларини белгилаш етарлича асосланмагани тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди ҳамда мақсад ва вазифаларни тўғри аниқлаш заруратини туғдиради. Қайд этилган назарий, услубий ва амалий муаммолар диссертация мавзуси, шунингдек, мақсад ва вазифаларини белгилашга хизмат қилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Қарши давлат университети

---

employment growth: a decomposition analysis for 81 countries // Cambridge Journal of Economics. – 2014. № 38(2), P. 399-424.; McMillan M., Rodrik D., Sepulveda C. Structural change, fundamentals and growth: A framework and case studies. – National Bureau of Economic Research, 2017. – №. w23378.; Goschin Z. Regional growth in Romania after its accession to EU: a shift-share analysis approach // Procedia Economics and Finance. – 2014. № 15, P. 169-175.; Duarte M., Restuccia D. The Role of the Structural Transformation in Aggregate Productivity // The Quarterly Journal of Economics, Oxford University Press. – 2010. № 125(1), P. 129-173.

<sup>4</sup> Бессонов В.А. Трансформационный спад и структурные изменения в российском промышленном производстве // Научные труды Фонда «Институт экономической политики им. ЕТ Гайдара». – 2001. – №. 30Р. – 114 с.; Трофимова Н.В., Таймасов А.Р. Анализ структурных факторов развития российских регионов // Экономика и управление: научно-практический журнал. – 2017. – №. 4. – С. 30-33; Мошков А.В. Структурные изменения в территориально-отраслевых системах промышленности российского Дальнего Востока: Автореф. дис. ... доктора географических наук. – Владивосток: Дальневосточное отделение Тихоокеанский институт географии., 2005.; Дювина Н.В. Структурные изменения как фактор нового качества экономического роста: Автореф. дис. ... кандидата экономических наук. – Самара: Самарский гос. экономический университет., 1997.

<sup>5</sup> Алимов Р.А. Структурные факторы повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана // Экономика и финансы. – 2010. - №3-4, С. 3-8.; Ахмедов Т.М. Стратегия комплексного и устойчивого развития регионов Узбекистана. В кн.: Модернизация национальной экономики Узбекистана. – Т.: АН РУз, 2011. - С. 18-21.; Эгамбердиев Ф.Т. Совершенствование структуры производства на внутрорегиональном уровне // Молодой ученый. – 2016. – №. 21-1. – С. 61-63.; Олимжонов О., Саатова Х., Отакулов М. Структурные преобразования в сельском хозяйстве как фактор развития в условиях глобализации // Современный вектор: мировая экономика, менеджмент и маркетинг. – 2016. – С. 113-119.; Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дис. докт. экон. наук. – Ташкент: 1998.; Салиев А.С., Курбанов Ш. Б., Ражабов Ф. Т. Сдвиги в отраслевой и территориальной структуре экономики Узбекистана // Социально-экономическая география. Вестник Ассоциации российских географов-обществоведов. – 2016. – №. 5. – С. 209-218.; Мирзакаримова М.М. Экономический цикл: структурные изменения и вопросы занятости. – Т.: «FAN», 2010. – 215 с.; Низамов А.А. Минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан такомиллаштириш йўллари (Бухоро вилояти мисолида): И.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ЎМУ, 2021. – 58 б.

Иқтисодиёт ва сервис кафедрасининг «Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг минтақавий муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инновацион ривожланиш шароитида минтақалар иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таркибий ўзгаришларнинг минтақа иқтисодиётидаги аҳамиятига оид асосий концептуал ёндашувлар ва назарияларни қиёсий таҳлил қилиш ва уларнинг иқтисодий ўсиш билан алоқадорлигини асослаш;

минтақавий ривожланишда таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш;

минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатига кўра тафовутларни аниқлаш, иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришлар даражаси ва самарадорлигини баҳолаш асосида минтақаларни комплекс ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Қашқадарё вилоятининг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш;

Қашқадарё вилояти иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар ҳолатини баҳолаш асосида устувор ривожланиш омилларини аниқлаш;

минтақа иқтисодиётида самарали таркибий ўзгаришларни прогнозлаш моделини яратиш ҳамда шу асосда Қашқадарё вилояти ҳудудларида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё вилояти иқтисодиёти тузилмаси ва ундаги таркибий ўзгаришлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда индукция ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, SWOT таҳлил, илмий абстракция, гуруҳлаш, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

минтақа иқтисодиёти тармоқларининг самарадорлик кўрсаткичларини мураккаб индексга келтириш усулида (composite index procedure) ишлаб чиқилган иқтисодиётнинг таркибий ривожланиш индексини (ТРИ) иқтисодий салоҳият индикаторларининг қуйи ва юқори чегараларини аниқлаш асосида баҳолаш услубиёти такомиллаштирилган;

минтақада таркибий ўзгаришлар самарадорлигини оширишда иқтисодиётнинг таркибий тузилмасидаги нисбатларни ифодаловчи инвестиция, меҳнат ресурслари, техника-технология бўйича тартибга солинадиган тақсимот жараёнининг ЯХМга таъсир қилувчи омиллари устуворлик даражаси аниқланган;

иқтисодиёт тармоқларининг минтақавий ривожланишга таъсирини JoGG декомпозиция воситаси ва пропорционал ўзгаришларни баҳолашда минтақа



иқтисодиёти таркибий ўзгариш даражасининг миқдорий ўлчовини ифодаловчи “абсолют қиймат нормаси” ёрдамида минтақа иқтисодиёти драйверларини ва ихтисослашув даражасини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

Қашқадарё вилоятининг туман ва шаҳарларида таркибий ривожланиш даражасидаги ҳудудлараро табақалашувни қисқартиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган кўп вариантли сценарийлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

минтақа иқтисодиёт тармоқлари аҳоли жон бошига тўғри келувчи маҳсулот (хизматлар) ҳажмини миллий ўртачага нисбатларининг ўрта арифметигини аниқлаш орқали таркибий ривожланиш индекси (ТРИ)ни ҳисоблаш усули таклиф этилган;

Ўзбекистон Республикаси минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати бўйича 3 гуруҳга ажратилиб, ривожланган ҳудудларда ишлаб чиқарадиган саноат, ривожланиш даражаси пастларида эса қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ЯХМда юқори улушга эгаллиги аниқланган. Олинган хулосаларга таяниб, иқтисодиётда бандларнинг тармоқлараро ҳаракати натижасида меҳнат унумдорлиги юқори тармоқларда бандлар улушининг ортиши аҳоли жон бошига ЯХМнинг ўсиши, бу улушнинг унумдорлик паст тармоқларда ортиши эса жон бошига ЯХМнинг камайишига сабаб бўлиши собит ва тасодифий таъсир моделлари воситасида асосланган;

минтақаларда таркибий ўзгаришлар даражаси, иқтисодиёт тармоқларининг аҳоли жон бошига ЯХМ ўсишига таъсири ҳамда минтақавий тармоқлар рақобатбардошлиги Ўзбекистон Республикасининг 14 ҳудуди кесимида баҳоланган;

Қашқадарё вилояти шаҳар ва туманларида иқтисодиёт таркибининг ривожланиш даражаси ўртасидаги тафовутлар аниқланган, ҳудудлар 3 гуруҳ (қизил, яшил ва сариқ)га ажратилиб, ҳудудлараро табақалашувни қисқартириш юзасидан 2021-2025 йилларга мўлжалланган 2 та сценарий (зарурий ва инновацион) ва улар бўйича 2025 йил мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ҳудудларда таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш, улар иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш, минтақаларни комплекс ривожлантириш ва ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилашга қаратилган илмий-услубий йўналишдаги таклиф ҳамда тавсияларда ўз аксини топади. Тадқиқотнинг илмий натижалари минтақа иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришнинг концептуал асослари, таркибий ўзгаришлар самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари ва усуллари ҳамда эконометрик моделларини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти эса иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг имкониятларидан фойдаланиш орқали ҳудудларни комплекс ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларида самарадорликни ошириш, минтақавий ва тармоқ инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, ҳудудларда таркибий ислохотлар натижаларини баҳолашда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳудудлар иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолашда муаллиф томонидан таклиф этилган тармоқлар самарадорлигининг ягона интеграл кўрсаткичидан Қашқадарё вилояти туман ва шаҳарларининг “ўсиш нуқталари”ни, иқтисодиётнинг таркибий ривожланиш индексининг (ТРИ) иқтисодий салоҳият индикаторларини аниқлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 27 августдаги 04/2516-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши вилоят ҳудудларида юқори тадбиркорлик муҳитини шакллантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирларини амалга оширишга хизмат қилган;

минтақада таркибий ўзгаришлар самарадорлигини оширишда иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи инвестиция, меҳнат ресурслари, техника-технология бўйича тартибга солинадиган тақсимот жараёни бўйича натижалардан ЯХМга таъсир қилувчи омилларнинг устуворлик даражасини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 1 июлдаги 01/00-03/09-7889-сонли, Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 27 августдаги 04/2516-сонли маълумотномаси). Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2020 йилда Қашқадарё вилоятида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол моллари ҳажми 2019 йилга нисбатан 103,7 фоизга ўсган;

таркибий ўзгаришларни амалга оширишда Жаҳон Банкнинг JoGG декомпозиция воситаси ёрдамида тармоқларнинг аҳоли жон бошига ЯХМ ўсишига таъсирини баҳолаш ҳамда олинган натижалар асосида самарадорлик юқори тармоқлар орасида рақобатбардошларига устуворлик бериш юзасидан ишлаб чиқилган таклифдан 2021-2022 йилларда Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 27 августдаги 04/2516-сонли маълумотномаси). Натижада жами қиймати 6064,0 млн. сўмга тенг бўлган 5 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилган;

минтақаларнинг комплекс ривожланиш даражасини белгилашда фойдаланиладиган Бета ва Сигма яқинлашув (Beta and Sigma convergence) моделлари негизида Қашқадарё вилоятининг туман ва шаҳарларида таркибий ривожланиш даражасидаги ҳудудлараро табақалашувни қисқартиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган кўп вариантли сценарийларидан ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги кичик корхона,

микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 27 августдаги 04/2516-сонли, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 1 июлдаги 01/00-03/09-7889-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши Қашқадарё вилоятида ҳудудлараро ривожланишдаги табақалашувни қисқартириш мақсадларига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 6 та, жумладан, 2 та республика миқёсидаги ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг асосий ғоялари ва мазмунини акс эттирадиган жами 14 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 7 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси нуфузли хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. У 121 бетда ёритилган бўлиб, 28 та жадвал, 12 та расм ва 2 та иловани ўзида мужассамлаштирган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари”**, деб номланган биринчи бобда иқтисодиёт таркибий ўзгаришларининг моҳияти ва хусусиятлари, минтақавий ривожланишда таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари ҳамда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг хориж тажрибаси тадқиқ қилинди.

Тадқиқотда минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришларнинг моҳияти ва хусусиятлари, уларни амалга ошириш орқали иқтисодий тараққиётга эришиш концепциялари қиёсий таҳлил қилинди. Концептуал ёндашувлар ва назарияларнинг таҳлили хулосаларига кўра, инновацион иқтисодий тараққиёт ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар тармоғи улушининг ортиши, шунингдек, моддий ишлаб чиқариш соҳасида иш билан бандларнинг камайишига сабаб бўлади. Шунга қарамай, истеъмол моллари ишлаб чиқаришга бўлган талаб ва таклиф миқдори ўсиб боради. Моддий ишлаб чиқаришнинг илмий-техник тараққиётга асосланиши ресурслар сарфини

кўпайтирмасдан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини яратади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ресурсларни анъанавий тармоқлардан самарадорлик юқори бўлган замонавийларига қайта тақсимлаш иқтисодий ўсишни таъминлайди, деган хулосага келинди.

Минтақавий ривожланишда таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш услубиёти тадқиқида иқтисодий ўсишга миллий, тармоқ ва минтақавий ўзгаришлар таъсирини баҳоловчи “пропорционал ўзгаришлар” таҳлили, минтақалар ихтисослашув даражасини аниқлашда фойдаланиладиган Кругман индекси ва Херфиндал–Хиршман индекси, таркибий ўзгариш даражасининг миқдорий ўлчовини ифодаловчи “абсолют қиймат нормаси” ва “такомиллаштирилган Лилиен индекси” каби услубий воситалардан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди. Фикримизча, иқтисодий ривожланиш таҳлилида ўсишга таъсир этувчи омилларнинг кенгрок доирасидан фойдаланиш минтақа иқтисодиёти драйверларини аниқлаш имкониятини оширади. Шунининг билан олиб, диссертацияда Жаҳон Банкнинг аҳоли жон бошига ЯИМ ўсишига декомпозицион ёндашувининг минтақаларда таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолашдаги аҳамияти ва бу услубнинг моҳияти очиқ берилди.

Тадқиқотлар натижаси сифатида иқтисодиётнинг таркибий ривожланиш даражасини баҳолашда индивидуал кўрсаткичлардан фойдаланиш имконияти чеклангани асосланиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган баҳолашнинг интеграл кўрсаткичидан фойдаланиш таклиф этилди.

Индексни ҳисоблашнинг биринчи босқичи турли иқтисодий кўрсаткичларни умумлаштириш мақсадида уларни трансформация қилиш, яъни коэффициент шаклига келтиришдан иборат. Бунда минтақа иқтисодиёт тармоқларига хос кўрсаткичнинг миллий иқтисодиётдаги нисбий ўрнини аниқлаш мақсадида унинг қиймати миллий ўртачага бўлинади.

Индексни ҳисоблашда тармоқларнинг самарадорлик даражаси индекси (СИ)ни аниқлаш талаб этилади. Тармоқ самарадорлиги индекси унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот (хизматлар) кўрсаткичини мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланади. Бу ҳолда 1 дан кичик кўрсаткичга эга тармоқлар ривожланиш даражаси паст, 1 дан қанча катта бўлса, шунча юқори даражада ривожланган, индекснинг 1 га тенг бўлиши ривожланиш даражаси меъёрида, деб ҳисобланади. ТРИ тармоқлар бўйича натижаларнинг ўртачасини ҳисоблаш орқали аниқланади.

$$ТРИ_i = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n СИ_{ij} \quad (1)$$

$$СИ_{ij} = \frac{ХМ_{ij}}{ММ_j} \quad (1.1)$$

бунда  $ТРИ_i$  –  $i$ -худуд иқтисодиётининг таркибий ривожланиш индекси;

$СИ_{ij}$  –  $i$ -худуддаги  $j$ -тармоқнинг самарадорлик даражаси;

$ХМ_{ij}$  –  $i$ -худудда аҳоли жон бошига тўғри келадиган  $j$ -тармоқ маҳсулоти ҳажми;

$ММ_j$  – миллий иқтисодиёт бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган  $j$ -тармоқ маҳсулоти ҳажми.

Шу билан бир қаторда, мураккаб индексга келтириш усули (composite index procedure) орқали ТРИни 0 ва 1 оралиқда баҳоланувчи иқтисодий салоҳият индикаторларининг қуйи ва юқори чегараларига мувофиқлаштириш таклиф этилди. Бу эса минтақалар иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштиришга хизмат қилди.

$$ТРИ_i = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n \frac{СИ_{ij} - \min(СИ_j)}{\max(СИ_j) - \min(СИ_j)} \quad (2)$$

бунда  $\min(СИ_j)$  ва  $\max(СИ_j)$  мос равишда мамлакат ҳудудлари бўйича  $j$ -тармоқнинг энг кичик ва энг катта самарадорлик индекси.

ТРИни биринчи усул билан ҳисоблаш ҳудуд таркибий ривожланиш даражасининг меъёрдан фаркланиш даражасини ифодаласа, иккинчи усулни қўллаш орқали индекснинг қуйи ёки юқори чегаралари (0 ва 1) орасидаги ўрнини аниқлаш мумкин.

Диссертациянинг “**Ўзбекистонда минтақалар иқтисодиётининг янги таркибий тузилмасини шакллантириш йўналишлари**”, деб номланган иккинчи бобида минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларига кўра фаркланиши, иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақада таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини аниқлаш юзасидан тадқиқот олиб борилди.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифлашда ишсизлик даражаси кўрсаткичи асос қилиб олинди. Математик статистикада вариацион қаторларни гуруҳларга ажратишда фойдаланиладиган Стерджесс формуласини қўллаш орқали олинган натижаларга кўра, ҳудудлар гуруҳларга ажратилди.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, минимал қиймати 7,36 фоиз ва максимал қиймати 9,31 фоизга тенг бўлган 14 та ҳудуднинг ишсизлик даражалари интервали 0,4 (7,76 дан кичик; 7,76 – 8,16; 8,16 – 8,56; 8,56 – 8,96; 8,96 дан катта) бўлган 5 та гуруҳга ажратилиши лозимлиги аниқланди. Ишсизлик даражалари 7,76 – 8,16 оралиққа мос тушувчи ҳудудлар мавжуд эмаслиги, дастлабки икки гуруҳга 1 тадан ҳудуд тўғри келаётгани ва бу ҳудудлар аҳоли жон бошига ЯХМ, меҳнат унумдорлиги ҳамда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари бўйича баҳоланганда ҳам энг юқори поғоналардан жой олгани сабабли бир гуруҳга киритилиб, таҳлил қилинаётган ҳудудлар 3 та гуруҳга ажратилди. Гуруҳлаш натижалари 1-жадвалда ўз аксини топган. Таҳлиллар чуқур ихтисослашув кўрсаткичига эга, саноат тармоқлари ривожланган ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан бошқа ҳудудлардан устунликка эгаллигини кўрсатди.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг иқтисодий ривожланиш  
кўрсаткичлари (2019 йил ҳолатига)<sup>6</sup>**

Ҳудудлар номи	Ишсизлик даражаси, %	Ихтисослашув (Кругман индекси)	Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯХМ), млн. сўм	Меҳнат унумдорлиги, млн. сўм/киши	Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўм
1	2	3	4	5	6
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>8,97</b>		<b>15,19</b>	<b>37,67</b>	<b>3008,2</b>
<b>1-гурӯх</b>					
Тошкент шаҳри	7,36	0,539	30,86	66,30	4560,8
Навий вилояти	8,47	0,355	36,48	87,36	3531,7
<b>1-гурӯх бўйича ўртача қиймат</b>	<b>7,91</b>	<b>0,447</b>	<b>33,67</b>	<b>76,83</b>	<b>4046,3</b>
<b>2-гурӯх</b>					
Тошкент вилояти	8,91	0,210	18,41	43,60	3288,9
Бухоро вилояти	8,94	0,197	14,34	34,35	2734,3
<b>2-гурӯх бўйича ўртача қиймат</b>	<b>8,93</b>	<b>0,204</b>	<b>16,38</b>	<b>38,98</b>	<b>3011,6</b>
<b>3-гурӯх</b>					
Қорақалпоғистон Республикаси	9,06	0,113	10,13	26,82	2709,4
Наманган вилояти	9,06	0,164	8,32	20,95	2291,4
Хоразм вилояти	9,07	0,185	9,99	25,10	2498,0
Андижон вилояти	9,15	0,090	10,73	25,88	2807,0
Жиззах вилояти	9,16	0,219	11,30	28,82	2408,6
Самарқанд вилояти	9,25	0,102	9,72	25,63	2443,9
Фарғона вилояти	9,25	0,122	8,56	21,32	2464,6
Сурхондарё вилояти	9,27	0,273	8,30	21,06	2322,6
Сирдарё вилояти	9,28	0,350	13,67	32,73	2462,8
Қашқадарё вилояти	9,31	0,208	9,60	25,54	2621,2
<b>3-гурӯх бўйича ўртача қиймат</b>	<b>9,19</b>	<b>0,183</b>	<b>10,03</b>	<b>25,39</b>	<b>2503,0</b>

Гуруҳлаш натижалари ҳулосаларини инобатга олиб, тадқиқотда жон бошига ЯХМ ( $Y$ ) ўсишининг инвестициялар, меҳнат ресурслари ва техника-технологиялар бўйича тартибга солинадиган тақсимот жараёнини ўзида акс эттирувчи ихтисослашув даражаси ва иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли улуши билан алоқадорлиги собит ва тасодифий таъсир моделлари орқали таҳлил қилиниб, мазкур омилларнинг **устуворлик даражаси** аниқланди.

Моделларда эркин ўзгарувчилар сифатида Кругман индекси ( $X_1$ ), меҳнат унумдорлиги энг юқори бўлган иккита (саноат ( $X_2$ ) ҳамда ташиш ва сақлаш ( $X_3$ )) ва энг паст унумдорликка эга иккита (соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ( $X_4$ ) ҳамда хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқлари ( $X_5$ )) иқтисодий фаолият турларида банд аҳоли улуши танлаб олинди. Таҳлилда 2010-2019 йиллар учун республиканинг 14 ҳудуди бўйича панелли маълумотлардан фойдаланилди.

Ҳаусман тести натижасида аниқланган  $p$  қийматнинг 0,05дан кичик бўлиши ноль гипотеза, яъни собит таъсир моделининг афзаллигини кўрсатди.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Моделлар автокорреляциясини текширишда Дарбин Уотсон (DW) тестидан фойдаланилиб, собит таъсир моделида қолдиқлар автокорреляциясининг аҳамиятсизлиги (DW = 1.57) аниқланди.

2-жадвал

Собит ва тасодифий таъсир моделлари<sup>7</sup>

Собит таъсир модели (Fixed effect (within) Model)				
$\ln Y = 0.343X_1 + 0.114X_2 + 0.201X_3 - 0.460X_4 - 0.003X_5$				
Coefficients	Estimate	Std. Error	t value	Pr (> t )
$X_1$	0.3434336	0.2960777	1.1599	0.2484
$X_2$	0.1136926	0.0278248	4.0860	7.926e <sup>-05</sup> ***
$X_3$	0.2012413	0.0335190	6.0038	2.075e <sup>-08</sup> ***
$X_4$	-0.4601667	0.0396482	-11.6063	< 2.2e <sup>-16</sup> ***
$X_5$	-0.0035306	0.0040809	-0.8652	0.3887
Total Sum of Squares: 3.144    Residual Sum of Squares: 0.5129				
R-Squared: 0.83686    Adj. R-Squared: 0.8126				
F-statistic: 124.142 on 5 and 121 DF, p-value: < 2.22e <sup>-16</sup>				
<b>Durbin-Watson Test:</b> DW = 1.5689, p-value = 0.003494 **				
Тасодифий таъсир модели (Random Effect Model (Swamy-Arora's transformation))				
$\ln Y = 0.669X_1 + 0.057X_2 + 0.178X_3 - 0.449X_4 - 0.011X_5 + 9.88$				
Coefficients	Estimate	Std. Error	z-value	Pr(> z )
(Intercept)	9.8802237	0.2678343	36.8893	< 2.2e <sup>-16</sup> ***
$X_1$	0.6686855	0.2542027	2.6305	0.008525 **
$X_2$	0.0567971	0.0096850	5.8644	4.506e <sup>-09</sup> ***
$X_3$	0.1776805	0.0223794	7.9395	2.030e <sup>-15</sup> ***
$X_4$	-0.4490986	0.0307760	-14.5925	< 2.2e <sup>-16</sup> ***
$X_5$	-0.0108434	0.0036014	-3.0109	0.002605 **
Total Sum of Squares: 3.499    Residual Sum of Squares: 0.70146				
R-Squared: 0.79953    Adj. R-Squared: 0.79204				
Chisq: 534.413 on 5 DF, p-value: < 2.22e <sup>-16</sup>				
<b>Durbin-Watson Test:</b> DW = 1.2744, p-value = 1.819e <sup>-06</sup> ***				
Signif. codes: 0 '***' 0.001 '**' 0.01 '*' 0.05 '.' 0.1 ' ' 1				
<b>Hausman Test:</b> chisq = 70.712, df = 5, p-value = 7.286e <sup>-14</sup> ***				

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар таҳлили натижаларига кўра, таркибий ўзгаришлар самарадорлигини оширишда ташиш ва сақлаш фаолият турининг устуворлик даражаси энг юқори экани, кейинги устувор соҳа сифатида саноат тармоғи, хусусан, қайта ишлаш саноатига ихтисослашувнинг афзаллиги асосланди.

Шу билан бир қаторда, тадқиқотда Жаҳон Банкнинг JoGG декомпозиция воситасида меҳнат унумдорлиги, таркибий ўзгаришлар, иш билан бандлик ва демографик омилларнинг иқтисодий ўсишга таъсири баҳоланди. Тармоқлар кесимидаги натижаларда жон бошига ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ўсишида асосий улуш саноат (132,5 фоиз) тармоғининг ижобий ҳиссасига, салбий улушнинг салмоқли ҳиссаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғига (-41,4 фоиз) тўғри келган. Саноатда иш билан бандликнинг кам миқдорда пасайишига қарамай, меҳнат унумдорлигининг ўсиши шунчалик каттаки, бу иш билан бандлик, ишчи кучининг саноат тармоғидан кетиши (яъни саноат

<sup>7</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

тармоғининг нисбий вазни) ва унумдорлиги паст бўлган бошқа тармоқларга ўтишидаги йўқотишларни қоплайди (3-жадвал).

Ўсишга ижобий таъсир кўрсатган барча тармоқларда асосий ҳисса меҳнат унумдорлигининг ортиши билан боғлиқ. Бу тармоқлар ичида фақат хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларидагина меҳнат унумдорлиги билан бир қаторда иш билан бандлик ўзгаришларининг ўсишни таъминлашдаги ҳиссаси (7,9 фоиз) юқори бўлган. Умумий иш билан бандлар таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ҳамда ташиш ва сақлаш тармоқларининг улуши камайган. Бу тармоқларда меҳнат унумдорлигининг ўртача кўрсаткичдан юқорилиги инобатга олинса, ишчиларнинг бу тармоқлардан узоқлашиши ўсиш суръатини секинлаштирган.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида тармоқларнинг иқтисодий ўсишни таъминлашга қўшган ҳиссалари (фоиз)<sup>8</sup>

Иқтисодиёт тармоқлари	Меҳнат унумдорлиги ўзгаришлари	Иш билан бандлик ўзгаришлари	Тармоқлараро силжишлар	Жами
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	-20,04	-19,25	-2,10	-41,39
Саноат	137,00	-3,75	-0,76	132,49
Қурилиш	19,38	1,22	-1,21	19,40
Савдо	-0,67	-7,02	1,74	-5,95
Ташиш ва сақлаш	-2,87	-2,04	-0,41	-5,32
Таълим	8,17	0,86	-0,61	8,42
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	7,88	0,36	-0,59	7,66
Бошқа турлар	8,89	7,94	-4,23	12,59
<b>Жами</b>	<b>157,74</b>	<b>-21,67</b>	<b>-8,17</b>	<b>127,90</b>
<b>Демографик компонент</b>				<b>-27,90</b>
<b>Жами</b>				<b>100</b>
2017-2019 йилларда аҳоли жон бошига ЯҚҚ (ЯҲМ) умумий ўзгариши, (фоиз)				7,54

Тадқиқотда ҳар бир маъмурий-иқтисодий район кесимида ўсиш декомпозициясини тузиш асосида иқтисодий ўсишга омиллар таъсирини баҳолаш услубиёти такомиллаштирилди. JoGG декомпозициясининг республика ҳудудлари бўйича олинган натижаларига кўра, жон бошига ЯҚҚ ўзгаришида асосий улуш Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида саноат тармоғи; Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида эса бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларига тўғри келиши аниқланди.

Таркибий ўзгариш жараёнини тадқиқ этиш учун унинг миқдорий ўлчовлари аниқланди. Таҳлилда таркибий ўзгаришлар индексларидан фойдаланиб, иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар икки вақт оралиғида умумлаштирилди.

<sup>8</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.



Индекслар 12 та иқтисодий фаолият турларида бандлар миқдори асосида ҳисобланди. Ўзбекистон Республикасининг 14 ҳудудининг барчасида индексларнинг кичик қийматларни ташкил этгани минтақаларда таркибий ўзгариш жараёнининг секин кечаётганини кўрсатди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида таркибий ўзгаришлар динамикаси (NAV- абсолют қиймат нормаси<sup>9</sup>)

Ҳудудлар	Йиллар								
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Ўзбекистон Республикаси	0,006	0,011	0,007	0,005	0,004	0,005	0,004	0,014	0,009
Қорақалпоғистон Республикаси	0,012	0,004	0,012	0,006	0,008	0,004	0,005	0,069	0,016
Андижон вилояти	0,005	0,010	0,007	0,006	0,003	0,004	0,005	0,018	0,013
Бухоро вилояти	0,004	0,043	0,062	0,008	0,018	0,013	0,018	0,020	0,011
Жиззах вилояти	0,006	0,011	0,009	0,011	0,006	0,011	0,017	0,044	0,039
Қашқадарё вилояти	0,007	0,007	0,016	0,006	0,013	0,015	0,011	0,040	0,017
Навоий вилояти	0,015	0,011	0,008	0,009	0,014	0,010	0,004	0,020	0,026
Наманган вилояти	0,008	0,015	0,010	0,013	0,012	0,009	0,015	0,028	0,014
Самарқанд вилояти	0,000	0,008	0,008	0,006	0,007	0,008	0,011	0,011	0,019
Сурхондарё вилояти	0,010	0,013	0,010	0,008	0,014	0,012	0,019	0,012	0,017
Сирдарё вилояти	0,010	0,007	0,020	0,015	0,016	0,010	0,006	0,041	0,015
Тошкент вилояти	0,005	0,023	0,006	0,008	0,011	0,012	0,010	0,014	0,014
Фарғона вилояти	0,008	0,020	0,006	0,007	0,004	0,005	0,005	0,020	0,015
Хоразм вилояти	0,006	0,009	0,013	0,011	0,005	0,008	0,011	0,011	0,013
Тошкент шаҳри	0,015	0,015	0,014	0,017	0,017	0,018	0,005	0,014	0,017

Бироқ таркибий ўзгаришларнинг юқори ёки паст даражаси минтақавий ривожланиш ҳолатини яхшилашга бевосита хизмат қилмайди. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда минтақада иш ўринлари яратиш рақобатбардошлиги омилининг самарасини ҳам инobatга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунинг ҳисобга олиб, тадқиқотда минтақавий тармоқлар рақобатбардошлиги пропорционал ўзгаришлар таҳлили (shift-share analysis) орқали баҳоланди.


Тармоқлар бўйича таҳлил натижаларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Хоразм вилоятлари, саноатда Жиззах ва Наманган вилоятлари, савдода Жиззах вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси, ташиш ва сақлашда Жиззах ва Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри, яшаш ва овқатланиш соҳасидаги хизматларда Сурхондарё вилояти, ахборот ва алоқа тармоғида Тошкент шаҳри

\*NAV индекси 0 ва 1 ораллиғидаги қийматларни қабул қилади.

<sup>9</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

иш ўринлари яратишда юқори рақобатбардошлик кўрсаткичига эгаллиги аниқланди.

Таркибий ўзгаришларнинг минтақа иқтисодиёт тармоқларида иш ўрни яратиш самарадорлигини аниқлашда пропорционал ўзгаришлар таҳлилининг таркибий қисмлари таъсирини абсолют қиймат нормаси (NAV) индекси асосида баҳолаш таклиф этилди. Самарадорлик ҳар бир ҳудуд кесимида миллий, тармоқ ва минтақавий таъсирларнинг процент қийматга келтирилган NAV индексига нисбати орқали аниқланди. Мазкур кўрсаткич минтақа иқтисодиёти таркибий ўзгаришининг 1 фоизлик абсолют қийматига тўғри келувчи яратилган (ёки йўқотилган) иш ўринлари миқдорини ифодалайди (1-расм).



**1-расм. 2017-2019 йилларда Ўзбекистон ҳудудларида таркибий ўзгаришларнинг иш ўрни яратиш самарадорлиги (минг иш ўрни)<sup>10</sup>**

Диссертациянинг “Минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”, деб номланган учинчи бобда Қашқадарё вилоятининг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва хусусиятлари тадқиқ қилиниб, вилоят иқтисодиётининг ҳудудий ва тармоқ таҳлили амалга оширилди. Таҳлиллар натижаси асосида Қашқадарё вилояти иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қашқадарё ҳудуди ва аҳолиси жиҳатдан Ўзбекистонда юқори ўринларда турувчи вилоят бўлишига қарамай, 2020 йилга келиб ЯХМ, саноат маҳсулотлари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари бўйича қуйи поғоналардан жой олди (5-жадвал).

Қашқадарё вилоятининг 2010-2020 йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичлари республика бўйича ўртачадан паст қийматларни ташкил этган. Хусусан, вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯХМ 2010 йилда республика бўйича кўрсаткичдан 1,1 баробар кам бўлиб, 2020 йилда бу тафовут 1,6 баробарга етган. Вилоят аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича 2010-2013 йилларда республика кўрсаткичидан юқори қийматларга

<sup>10</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

эришиб, 2014 йилдан бошлаб ортда қола бошлаган. Тафовут 2014 йилда 1,1 баробар, 2019 йилда 1,5 баробар ва 2020 йилда 2,4 баробарни ташкил этган.

Аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш республика кўрсаткичидан 2010 йилда қарийб 2 баробар кам бўлиб, тафовут даражаси 2019 йилда 2,7 баробар, 2020 йилда эса 2,6 баробарни ташкил этган. Вилоятда аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми республика кўрсаткичидан 2010 йилда 2,2 баробар, 2019 йилда 2,1 ва 2020 йилда 2,0 баробар кам бўлган.

**5-жадвал**

**Қашқадарё вилоятининг Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий  
ривожланишидаги ўрни (фоиз)<sup>11</sup>**

Кўрсаткичлар	2010 й.	Мамлакатда тутган ўрни	2015 й.	Мамлакатда тутган ўрни	2020 й.	Мамлакатда тутган ўрни
Худуд аҳолиси	9,3	3	9,6	3	9,7	3
Ялпи ҳудудий маҳсулот	8,8	3	7,8	4	6,0	7
Саноат маҳсулотлари ҳажми	13,0	3	8,9	5	4,0	8
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	4,8	7	5,0	8	3,8	9
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	8,9	4	9,1	5	9,5	4
Асосий капиталга инвестициялар	10,9	3	13,1	3	9,8	3
Қурилиш ишлари	8,5	2	8,1	2	5,5	6
Чакана савдо айланмаси	6,1	6	7,1	6	6,4	6
Хизматлар	4,2	6	5,2	6	4,7	6
Ташқи савдо айланмаси	2,3	7	3,0	8	1,5	11
шу жумладан:						
экспорт	2,7	6	2,2	6	1,3	11
импорт	1,6	8	3,8	7	1,6	11


Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий самарадорлик кўрсаткичларидан аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал умумий даромадлар республика кўрсаткичидан 2010 йилда 1,1 баробар, 2019 ва 2020 йилларда 1,2 баробар кам бўлган. Вилоятда даромадларнинг реал ўсиш суръати пасайиб бориб, 2020 йилга келиб 98,7 фоизни ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Қашқадарё вилоятида 2010-2020 йиллар давомида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари пасайиб, вилоят бу жиҳатдан республиканинг 14 худуди орасида энг қуйи ўринларга тушиб бормоқда. Шундай экан, вилоят иқтисодиётига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чоратadbирларни амалга ошириш орқали соғлом рақобат учун зарур шароитлар

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, пировардида вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё вилояти иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар динамикаси таҳлили натижаларига кўра, вилоятда ЯХМ таркиби 2010-2020 йилларда сезиларли даражада ўзгарган. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 2020 йилда 2010 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга ўсиб 41,9 фоизга етган. Бу даврда биргина саноат тармоғининг улушида камайиш кузатилиб, 2010 йилдаги 40,4 фоиздан 2020 йилда 17,9 фоизга тушиб қолган. Таҳлил даврида қурилиш тармоғининг улуши 0,8 фоиз пунктига, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 2,8 фоиз пунктига, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматларининг улуши 1,1 фоиз пунктига ва хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларининг улуши 4,6 фоиз пунктига ортган. Бунга жавобан, вилоятда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида банд аҳолининг улуши ЯХМда тармоқлар улушининг тақсимланишида кузатилган ҳолатга тескари равишда 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 0,5 фоиз пунктига камайган. Вилоятда 2020 йилда 2010 йилга нисбатан иқтисодий фаолият турларида банд аҳоли улушининг камайиш ҳолати саноат (1,7 фоиз пунктига), қурилиш (0,1 фоиз пунктига), савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари (2,9 фоиз пунктига), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа (1,0 фоиз пунктига) тармоқларида ҳам кузатилган. Фақат хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларида 6,2 фоиз пунктига ўсиш кузатилган (2-расм).



**2-расм. Қашқадарё вилояти иқтисодиёт тармоқларининг таркибий тузилмаси (жамига нисбатан фоизда)<sup>12</sup>**

Тадқиқотда амалга оширилган тармоқларнинг самарадорлик даражасини баҳолаш (1.1-формулага қаранг) натижалари шуни кўрсатдики, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 2010-2020 йиллар оралиғида 2012 йилдагина ижобий кўрсаткич ( $СИ=1,017$ ) қайд этилиб, қолган йилларда тармоқнинг самарадорлик даражаси паст ( $СИ<1$ ) бўлган. Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси 2010-2013 йилларда нисбатан юқори бўлиб ( $СИ>1$ ), 2014 йилдан бошлаб пасайиш майлида ҳаракатланган ва 2020 йилга келиб энг кичик қиймат ( $СИ=0,411$ )ни ташкил этган. Таҳлил

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

даврида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш вилоятдаги энг сушт ривожланган тармоқ бўлган. Бу соҳа 2016 йилда ўзининг энг юқори самарадорлик даражаси (СИ=0,556)га эришган. Инвестициялар ва қурилиш фаолияти вилоят иқтисодиёти таркибидаги энг ривожланган соҳа бўлиб, унда 2010-2020 йиллар оралиғида СИ>1 кўрсаткичи қайд этилиб, 2017 йилда энг юқори самарадорлик даражаси (СИ=1,608)га эришган. Энг кичик кўрсаткич (СИ=1,012) эса 2020 йилда қайд этилган. Мазкур даврда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларида ривожланиш даражаси юқори қийматга эришмаган.

Қашқадарё вилоятида иқтисодиётнинг таркибий ривожланишини баҳолаш натижалари вилоятда таркибий ўзгаришлар самарадорлигининг пастлигидан далолат берди. 2010-2020 йилларда ТРИ>1 қийматга умуман эришмаган. 2020 йилда таркибий ривожланиш даражаси энг паст қиймат (ТРИ=0,655)ни ташкил этган.

## 6 - жадвал

### Қашқадарё вилоятида иқтисодиёт тармоқлари маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг прогноз параметрлари<sup>13</sup> (2019 й. нархларида, млрд. сўм)

Иқтисодий фаолият тури	Кўрсаткич	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	ҳажми, млрд.сўм	22523,2	23245,8	23935,7	24583,5
	Республикадаги улуши (%)	8,39	8,40	8,40	8,42
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	ҳажми, млрд.сўм	8972,5	8640,1	8189,3	7585,4
	Республикадаги улуши	16,35	16,30	16,29	16,31
Ишлаб чиқарадиган саноат	ҳажми, млрд.сўм	16000,4	17546,0	19164,2	20833,1
	Республикадаги улуши (%)	4,66	4,71	4,75	4,77
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	ҳажми, млрд.сўм	5426,9	6930,2	8858,1	11330,9
	Республикадаги улуши (%)	17,54	19,71	21,83	23,75
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	ҳажми, млрд.сўм	187,0	210,5	236,9	266,5
	Республикадаги улуши (%)	5,19	5,20	5,22	5,23
Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар	ҳажми, млрд.сўм	465,5	472,1	477,1	480,6
	Республикадаги улуши (%)	3,01	2,84	2,67	2,51
Молия хизматлари	ҳажми, млрд.сўм	2231,0	2710,0	3292,0	3998,9
	Республикадаги улуши (%)	3,56	3,58	3,60	3,62
